

ИНВЕСТИЦИЯ- ХАЛҚ



"Мен ҳаёт синовларида тобланган одамни, одамийлики юксак қадрлайдиган Хоразм ахлини юрагимга яқин оламан. Сизлар билан мулоқотда бўлиб, Ватанимизнинг бугунги ва эртанги тақдир ҳақида мазмунли суҳбатлар қуришни, қандай қилсак ҳаётимиз янада обод ва фаровон бўлади, халқимиз, фарзандларимиз тинч ва осойишта, бахтли яшайди, деган масалалар бўйича фикрлашиб, маслаҳатлашишни зарур деб билман".

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти вилоятимизда ҳам улкан ўзгаришларга замин яратди. Шаҳару туманларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 308 миллион доллардан ортиқ инвестиция ҳисобидан 432 саноат корхонаси ташкил этилди. Маиш шу инвестиция лойиҳаларининг бир қанчасини амалга ошириш бахтига муяссар бўлган "Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамияти жамоаси аъзолари 2015-2016-2017 йилларда яшишгина тажриба ортиқчилар. Уларнинг бу даврдаги фаолиятларини хикоя қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Кези келганда жамият раиси Усмон Саидмуродов

ҳақида сўзлаб ўтишни жон деб тоғардик. Саидмуродов Усмон Абдулович 2016 йил сентябрь ойидан буён жамиятга раҳбарлик қилмоқда.

У 1963 йилда Бухоро вилоятида туғилган. 1991 йилда Бухоро озиқ-овқат ва е-

лиги сифатида иш бошлаган. 2016 йилининг сентябрь ойида Жамият директори этиб тайинланган.

Усмон Саидмуродов жамиятда ўзини кўнгли очик, ишонарвар, ташкилотчи ва етакчи раҳбар сифатида намойиш этди. Хусусан, у



тил саноат институтини тугатган. Бухоро озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати корхоналарида фаолият юритиб, катта тажриба тўплаган. 2015 йилдан у "Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамиятида бўлим бош-

корхонада фаолият кўрсатган даврдан буён корхонадаги ишларни янада ривожлантириш билан бирга, илчи-хизматчиларнинг манфаатини кўзлаган ҳолда қисқа муддат ичида иссиқхона ташкил этиб, бу

МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ерда помидор, бодринг, лимон маҳсулотларини етиштирди. Шунингдек, у чорвачилик ва иаррандачиликни ташкил этиб, зотдор қора моллардан гўшт ва сүт маҳсулотларини етиштириш ишларини йўлга қўйди.

Эндиликда у корхонада сүт ва сүт маҳсулотларидан сүт, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ ва творог маҳсулотларини етиштиришни ҳам йўлга қўйди. Шунини яна қувонч билан таъкидлаш лозимки, Усмон Саидмуродов корхонадаги ишчи ходимларни уй-жой билан таъминлашда ҳам жон куйдириб келмоқда. Натияжада унинг бу жон куйдиришларидан ишчи ходим-

-Кейинги йилларда айниқса корхонада кўплаб муваффақиятли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2015 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига биноан "Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамиятида "Саломасдан дистилланган глицерин ва ёғ кислоталари ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш" лойиҳаси доирасида қурилган объектнинг умумий лойиҳа баҳоси 10,445 млрд. сўмлик иш бажарилиб, йилига 500 тонна дистилланган глицерин ва ёғ кислоталари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди ва 33 киши доимий ишга қабул қилинди. Шу йили



"Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш бўйича амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаси тармоқ жадвали ишлаб чиқилди ва 2016 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Тармоқ жадвалига биноан шу йилда 49 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига, корхонада модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Бу вазифалар "Урганч ёғ-мой" АЖ жамоаси томонидан инвестицияларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

-1 та 80 тоннагача юк кўтара оладиган электрон автотарози;

-7 та 10 тоннагача юк кўтара оладиган электрон тарозилар сотиб олинди.

-Тарозилар "Тарози класс" МЧЖ дан 170 млн. сўмга сотиб олинди.

Тарозиларни ўрнатиш учун (Давоми 22-бетда).



лар жуда мамнуи бўлишмоқда. Усмон Саидмуродов билан бўлган суҳбатимизда у бизга корхонада амалга оширилаётган хайрли ишлар хусусида қўйидагиларни хикоя қилиб берди:

37290 еврога Болгария давлатида ишлаб чиқарилган СИ-730 маркали токарлик станогни харид қилиниб, ишга туширилди. Кейинги йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига биноан



ИНВЕСТИЦИЯ- ХАЛҚ

(Давоми. Боши 21-бетда).

70,9 млн. сўмдан ортиқ қуриш-монтаж ишлари бажарилди.

Янги ўрнатилган электрон тарозилар Давлат стандартлаштириш агентлигидан текширувдан ўтказилиб, мувофиқлик сертификатлари олинди. Бундан ташқари, соапстокни қайта ишлаш цехидаги олеин-палметин қоришмаси учун 4ЦГ 50/50К-11-6С маркали юқори температурада ишлайдиган насос АО ЫНТА Молдова фирмасидан 7355 АҚШ долларига сотиб олинди.

Белгия давлатидаги "ARMSTRONG" фирмасидан 881F DN20 ЫN16rf 1/8 маркали 150 та конденсат отводчиклар 26050 ЕВРО га сотиб олинди. Техник чигит сифатини назорат қилиш лобараториясига 20,4 млн. сўмлик ускуна ва жиҳозлар (эл. тарози, қуриштиш шкафи, вўтяжной шкаф) харид қилинди. Лобаратория биноси 105,4 млн. сўмга ремонт қилинди.

Жамият ҳудудига қўшимча равишда яна 60 дона куватув камералари 286,0 млн.



сўмга сотиб олинди ўрнатилди. Мавжуд автотранспортларнинг ҳаммасига (52 та) GBS навигаторлари ўрнатилди. Уларнинг баҳоси 50,9 млн. сўм бўлди. Яна 400 млн. сўмга GL-856 LUGIЪN маркали автопогрузчик ҳам сотиб олинди.

Йирик озиқ-овқат лойиҳалари доирасида 826 млн. сўмга 20000 бошга мўлжалланган парранда цехи қуриб ишга туширилди ва бу ерда 5 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Корхонада 2016 йил Давлат инвестиция дастури доирасида модернизация ва реконструкция ишларини

амалга ошириш учун корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан жами - 2,661 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил декабрдаги қарори билан тасдиқланган 2017 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига биноан "Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамиятида "Ишлаб чиқаришни модернизация ва техник қайта қурулантириш" лойиҳаси бўйича 2017 йилга амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаси тармоқ жадвали ишлаб чиқилди ва 2016 йил 18 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Тармоқ жадвалига биноан 2017 йилда 390 минг АҚШ доллар эквиваленти миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига, корхонада модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилиши ва ПЭТ идишлар-





МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

га ёғ қадоқлаш линияси ўрнатилган тутилган эди.

ПЭТ идишларига ёғ қадоқлаш линиясини 290 минг АҚШ доллари ҳажмида бўлиши белгиланиб, тендер сав-

- 153 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

"Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамиятида 2017 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига биноан



доларида қатнашиш учун консалтинг компанияси билан музокаралар олиб борилди ва улар изчил амалга оширилди.

2016-2017 йил давомида техника сотиб олиш ишлари самарали тарзда амалга оширилди. Хусусан, "Самарқанд Автомобиль заводи" МЧЖ дан битта ўт ўчириш машинасини 484 млн. сўмга сотиб олдик. Шунингдек, Соапстокни қайта ишлаш цехига насос П6-ППВ 2 дона 12,0 млн. сўмга, Экстрактракция цехига частотнўй преброзавательдан 3 донани 83,36 млн. сўмга сотиб олиб ишга туширдик.

Умуман, 2017 йил Давлат инвестиция дастури доирасида модернизация ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан жами

"Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуруллантириш" ишлари аввалдан амалга оширилди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилни «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва техно-



логияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиши бизни жуда қувонтирди. Шуниси аҳамиятлики, бу



йилнинг бундай деб номланишида ҳам ўзига хос ажиб бир маъно бор. Чунки инновация - бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Ўтган йилги инновацион дастурни ҳаётга тадбиқ қилишда, ўрнатилган янги технологиялар, янги станокларнинг ишлаш сифатини текширишда ишчи гуруҳи аъзолари жуда синчковлик билан меҳнат қилишди. Айниқса, тажрибали мута-

хассислардан ишчи гуруҳи раҳбари Д.Ражабов, бош ҳисобчи О. Қутлимуродов, (Давоми 24-бетда).



ИНВЕСТИЦИЯ- ХАЛҚ

(Давоми. Боши 23-бетда).

бош технолог О. Отажонов, бош механик А. Машарипов, бош энергетик Д. Шерметов, қурилиш бўйича муҳандис К. Жабборовлар сотиб олинган техникаларнинг ва жиҳозларнинг мустаҳкам ўрнатилганлиги ва ишловчанлигини текширишда фаоллик кўрсатдилар.

Жамиятимиз асосан ўсимлик мойи, хўжалик совуни, саломас, глицерин, олеинпальметин, техник саломас ёғ кислотаси ишлаб чиқармоқда. Жамиятнинг соф фойдаси 124,2 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 100,7 фойизни ташкил этди. 2015-2017 йилларда корхонада энерготежамкорликка йўналтирилган инвестицион лойиҳалар доирасида электр энергия 877 минг квт, табиий газ 2001 минг м³ иқтисод қилинди. Дастурга кўра 20000 бош парранда боқишга мўлжалланган молиявий ҳажми 1290 млн. сўм миқдорига лойиҳа амалга оширилди. Ҳа, бу ишларда ҳам тажрибамиз оширилмоқда. Айниқса, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да тажрибамиз ҳам, бу



ғоялардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ошиши табиийдир. Шундай қилиб, 2017 йилга белгиланган 390 минг доллар, яъни 1386 млн. сўм бўлган инвестиция лойиҳаси 1800,133 млн. сўмга ортиги билан муваффақиятли бажарилди.

Бу вазифаларни удалаш осон бўлмади, албатта. Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятимизда раҳбар мутахассислар ва ишчиларнинг сони 1 минг 100 нафарга

яқинлашди.

Хоразм воҳаси шундай ҳосиятли бир юрт эканки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган беқиёс сеҳри, жозибаси бор. Чунки биз Хоразм деганда, ҳар томонлама -меҳнатда ҳам, маънавият ва маърифатда ҳам илғор инсонлар диёрини кўз олдимизга келтирамиз. Бу ўлкада яшаб ва фаолият юритиб, ўзим ҳам бунга янада катта ишонч ҳосил қилмоқдаман. Зотан, тарихида жа-





МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА



ҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бу ўлкада яшаш ва халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш кишига олам-олам қувонч ва ғурур бағишлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ватанимиз тарихида, халқимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичини бошлаб берди. Бунда беш устувор йўналиш беш йилда амалга оширилади. Буларнинг самарасида халқимизнинг давлат идораларига ишончи ортмоқда. Давлатимизнинг иқтисодий юксалиши оддий одамларнинг орзу-умидлари билан уйғунлашмоқда. Аҳоли орасида ислохотларда фаол иштирок этиш

ҳаракати кучайиб, соҳаларни ривожлантиришда инсон омили асосий ўринни эгалламоқда. Бизнинг сафимизда ҳам бундай фаол, Ватанига, халқига меҳр-муҳаббатли, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар кўпчиликти ташкил этади. Ўз касбларини астойдил севадиган ходимларимиздан Шароф Раҳимов, Мақсуд Матназаров, Маҳрим Қўшжонов, Хушнуд Раззоқов, касаба уюшмаси қўмитаси раисаси Гулой Бекмуродова каби ҳар ишда ибрат бўлаётганлар билан бутун жамиятимиз аъзолари фахрланадилар.


Кези келганда жамиятимизда анча йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган, бугунги кунда корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Гулой Бекмуродова ҳақида ҳам сўзлаб ўтишни жоиз деб топардик. Гулой ўз касбини жуда сева-

диган, ниҳоятда меҳнаткаш ва иззат-обрўга эга бўлган аёлларимиздан биридир. У корхонадаги ишчи-ходимларга айниқса, ғамхўр ва меҳрибондир. Ишчи, хизматчилардан ўз ёрдамини аямайди. Уларга моддий ёрдам кўрсатиб, яна кўплаб имтиёзлар яратиб беришда ўзининг беминнат хизматини аямайди. Шу боис ҳам уни корхона меҳнаткашлари хурматлаб-эъозлашади.

Гулой Бекмуродова меҳнатдаги ютуқлари туфайли 2015 йилда Республика касаба уюшмаси Федерацияси томонидан ўтказилган "Энг намунали касаба уюшмаси ва меҳнат муҳофазаси" номинацияси совриндори бўлди. Шунингдек, "Энг яхши ташкилот" номинацияси бўйича ҳам корхона биринчи ўрин совриндори бўлди.

Бизнинг устувор вазифамиз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да

(Давоми 26-бетда).



ИНВЕСТИЦИЯ- ХАЛҚ

(Давоми. Боши 25-бетда).

амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқади ва Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўз қудратимизга ишонч ва фахр-ифтихор туйғуларини бахш этмоқда.

Зотан, ушбу қарорда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш, бозорни сифатли, ҳавфсиз, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга қара-



тилган бу қарор бизга янада катта имкониятлар яратиб беради. Масалан, биз сингари чигитни қайта ишловчи ёғ-мой корхоналари чигитни юклаш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини реал вақт режимда кузатиш, жумладан, хом-ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ўлчаш ва ҳисобини юритиш имконини берувчи автоматлаштирилган ти-

зимлар билан таъминланади. Шунингдек, қарорда кейинчалик саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракти пахта ёғи биржа савдолари орқали фақат "Ўзпахтаёғ" АЖ корхоналарига со-



тилиши ҳақидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин, дея таъкидланган ушбу сўзлар ҳам биз учун айни муддао бўлди. Шундан ҳам аёнки, бундан кейин ишларимиз самарадорлиги тагинда ошади.

Йирик озиқ-овқат лойиҳалари доирасида ҳам ишларимиз муваффақиятли бормоқда десак мақсадга мувофиқ бўларди.

-Иссиқхоналар - жами 0,16 га бўлиб, шундан 0,07 гектари корхонанинг ўзида, қиймати 100 млн. сўм, 0,09 гектари ишчи - хизматчилар томонидан амалга оширилиб, қиймати 75 млн. сўм, жами 175 млн. сўм, янги иш ўрни 35 нафарни ташкил этади.

-Бундан ташқари жамиятимизда паррандачилик, бали-

қчилик, қуёнчилик, асалари-чилик каби ёрдамчи тармоқлар ҳам ривожлантирилмоқда. Қўшимча лойиҳаларнинг умумий қиймати 507 млн. сўм бўлиб, яқин кунлар ичида яна 147 та янги иш ўрин-

лари яратилади. Хуллас, халқимиз билан доимий ва очиқ мулоқот олиб бориш орқали юртдошларимизни ташвишга солаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш, ишчи ва хизматчиларимиз учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича кенг кўламли вазифаларни доимо ёдимизда тутиб, шу асосда фаол иш олиб бораверамиз. Яқин келажакдаги вазифаларимизга келсак улар икки қисмдан иборат:

1. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш (10 та лойиҳа): Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехларни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш. Замоनावий ПЭТ идишларга ўсимлик ёғини қадоқлашни ташкил қилиш,



МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА



сутни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қадоқлашни ташкил қилиш.

II. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш (5 талойиҳа). Замонавий (лимо-нарий, помидор ва бодринг ўстирадиган) иссиқхона ташкил этиш, Юқори ҳосилли,

Пировардида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ёғ-мой» тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарори ҳам биз соҳа ходимларининг айни дилидаги муаммоларини тилга олгани бизга мадад бахш этмоқда. Чунки унда айниқса, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги «Ёғ-мой» маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги муаммоларга барҳам бериш,



да Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни 5 та устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси вазифаларини ба-



гранулаланган комбикорма ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Натрий хлор асосида кимёвий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Шу ишларга ҳам бу йилдан бошлаб киришамиз. Улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни ишга солиб, садоқатимизни сафарбар этиб фаолиятимизни мустаҳкамлаймиз.

бозорни сифатли, хавфсиз арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш бугунги кунда бизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифалардан биридир. Зотан, Президентимиз ушбу қарорига асосан таъкидлаганидек, «Ёғ-мой» маҳсулотлари тармоғини замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантиришни таъминлаш ва «Ёғ-мой» саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йиллар-

жариш бизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Биз бундан руҳланган ҳолда муҳтарам Юртбошимизнинг ушбу қарорига мувофиқ самарали меҳнат қилиб, халқимизни сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлашни ўз олдимиздаги катта бурч ва вазифамиз деб биламиз ва шу йўлдан оғишмай фидокорона меҳнат қилаверамиз.

Усмон САИДМУРОДОВ,
Урганч ёғ-мой АЖ
директори.